

2011-1-сон

Дастлабки терговни тўлиқ ўтказмай туриб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилади.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 27 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2010 йил 18 июндаги ҳукмига кўра, Х. Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддасининг 3-қисми билан 6 ой қамок, 209-моддасининг 1-қисми билан 1 йил, 243-моддаси билан 5 йил, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ХК “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиалидан жуда кўп миқдордаги телефон сўзлашувлари учун экспресс тўлов карталари олиб, хусусий корхона ҳисоб-рақамидаги пулларни нақдлаштириш мақсадида, ОАТБ “Микрокредитбанк” Сирдарё вилояти филиалининг бош ҳисобчиси Б. ҳамда филиал амалиёт бўлими собиқ ҳисобхона ходими Э. билан жинойий тил бириктириб, хусусий корхона томонидан банкка 2009 йил 4 майда 40.608.500 сўм нақд пул топширилган бўлса-да, филиалнинг 2009 йил 2 июндаги 107/В рақамли, 2009 йил 2 июлдаги 88/02 рақамли ХК “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиали бошлиғи номига ёзилган хатларга гўёки хусусий корхона томонидан 2009 йил май ойида 188.000.000 сўм, июнь ойида 531.435.700 сўм, жами 719.435.700 сўм нақд пулни банкка топширганлиги ҳақида сохта маълумот

киритишиб, банк филиалининг юмалоқ муҳрини босишиб, ХК “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиалига тақдим этишган.

Олинган сохта хатлар натижасида хусусий корхона томонидан банкдаги ҳисоб рақамига ХК “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиалидан олинган экспресс тўлов карталари ва бошқа товарлар савдосидан тушган 935.68.000 сўм жуда кўп миқдордаги нақд пулларни назорат касса машинаси хотирасига киритмасдан, банк ғазнасига топширмасдан, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Бундан ташқари Х. томонидан шаҳар ДСИ га 2009 йил 9 ойлик тақдим этилган ҳисоботларда 103.126.000 сўм кам кўрсатилиб топширилганлиги натижасида бюджетга тўланиши лозим бўлган 5.181.000 сўм солиқ суммаси, шунингдек, хусусий фирма қўшилган қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмаса-да, корхона томонидан 2009 йил 9 ойи давомида ҳисоб фактуралари билан “Сувмахсустаъмир” МЧЖга 58.197.000 сўмлик товарлар ҚҚС билан биргаликда берилиб, фактурада МЧЖга ҳисобланиши лозим бўлган 9.698.000 сўм қўшилган қиймат солиғи умумий қийматга қўшилганидан сўнг берилиб, ушбу сумма хусусий корхона томонидан тўланиши лозим бўлса-да, корхона раҳбари ДСИга топширган ҳисоботларида яшириб кўрсатган. Натижада Давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда 14.879.000 сўм солиқ ва мажбурий тўловлар кўрсатилмасдан тақдим қилинган.

Шунингдек, “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонаси томонидан 117.144.000 сўм солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб, шаҳар ДСИга ҳисоботларни тақдим этган бўлса-да, корхона раҳбари Х. ушбу суммани ўз вақтида тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу билан бирга Х. жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида 2009 йил 27 апрель куни “Ҳумоюн-лада-сервис”

хусусий корхонасига 400.000 сўм, 2009 йил 27 май куни “Саид барака савдо файз” хусусий корхонасига 49.000.000 сўм, 2009 йил 30 май куни “Сугдиёна Мадина-М” хусусий корхонасига 1.300.000 сўм, 2009 йил 27 июнь куни “Дусанбой ота” фермер хўжалигига 750.000 сўм, 2009 йил 7 июль куни “Гулистон файз ҳамкор” хусусий корхонасига 110.000 сўм, жами 51.460.000 сўм пул маблағларини бошқа корхоналарга молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб, ушбу пулларнинг асл хусусияти, манбаи, турган жойи, тасарруф этиш, ташилиш усули, ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг кимга тегишли эканлигини яшириб, сир сақлаб давлат ва жамият манфаатларига зарар етказган.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддасида дастлабки тергов тўлик ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу кодекс талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса, шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса, иш

нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилган бўлса, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан ушбу талабларга риоя этилмаган, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар, синчковлик билан ҳар томонлама тўла ва холисона текширилмаган.

Иш ҳолатларига қараганда, Х. “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиали билан тузилган шартнома асосида телефон сўзлашувлари учун экспресс тўлов карталарини олиб, 719.435.700 сўм нақд пулни банкка топширганлиги ҳақида сохта маълумот киритиб, банк филиалининг юмалоқ муҳрини босиб, ХК “Уздунробита” Сирдарё вилояти филиалига тақдим этган.

Шунингдек, хусусий корхона томонидан экспресс тўлов карталари ва бошқа товарлар савдосидан тушган 935.68.000 сўмлик нақд пуллар назорат касса машинаси хотирасига киритилмасдан, банк ғазнасига топширилмасдан товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилган.

Х. 2009 йилнинг 9 ойи давомида тақдим қилинган ҳисоботларда 103.126.000 сўмни кам кўрсатиб ҳисобот топширганлиги, натижада бюджетга тўланиши лозим бўлган 5.181.000 сўм, “Сувмахсустаъмир” МЧЖга 58.197.000 сўмлик товарлар ҚҚС билан биргаликда берилган бўлиб, ҳисоб фактурада МЧЖга ҳисобланиши лозим бўлган 9.698.000 сўм қўшилган қиймат солиғини камайтириб кўрсатиб, жами 14.879.000 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаган.

Шу билан бирга Х. Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2009 йил 3 сентябрдаги хусусий фирманинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 107.800.000 сўмлик қарздорлигини ундириб олиш ҳақидаги қарорини бажаришдан бўйин товлаб, солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлигини тўламасдан келган.

Х. дастлабки тергов ва судда 2009 йил 19 январь куни акаси О. “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонасини А.дан олди-сотди шартномасига асосан сотиб олганлиги, акаси корхонани сотиб олгандан сўнг Россия давлатига ўзининг ишлари билан кетадиган бўлганлиги учун, 2009 йил 15 февралдаги 5-сонли буйруғига асосан корхонани бошқариш унга юклатилганлиги, укаси М.га бош ҳисобчи лавозимида буйруқ берилганлиги, барча ҳужжатларга укасининг ўрнига ўзи имзо чекканлиги, корхона улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириб, асосан МТС экспресс тўлов карточкаларини МТСга пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, карточкаларни чакана ва улгуржи сотганлиги, акаси О.нинг қарзи борлиги учун хусусий корхона ҳисоб рақамидаги пулларни нақдлаштириб қарзларни бериш мақсадида ОАТБ “Микрокредитбанк” Сирдарё ҳудудий филиали томонидан 2009 йил 2 июнь куни “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонаси 188.000.000 сўм, 2009 йил 2 июль куни 531.435.700 сўм нақд пуллар банкка топширилмаган бўлса-да, унинг илтимоси билан унга илгаридан таниш бўлган банк ходими Э. томонидан қайд этилган пуллар банкка топширилганлиги ҳақида сохта хат тайёрлаб банк муҳрини босиб берганлиги, “Уздунробита” Сирдарё филиали пул муомаласи ходимининг нақд пул банкка топширилганлиги ҳақидаги сўровига асосан ушбу сохта банк тўловини уларга тақдим қилганлиги, шунингдек, топширилган ҳисоботларда 103.126.000 сўмга кам кўрсатиб, 14.879.000 сўм солиқларни ўз вақтида тўламаганлиги, боқиманда қарзи бўлган 107.800.000 сўмни тўламаганлиги, 2009 йил 9 оyi давомида 935.68.000 сўмлик экспрес карточкаларни назорат касса машинасидан ўтказмасдан улгуржи ва чакана сотганлиги, шунингдек, корхоналарга 51.460.000 сўм молиявий ёрдам кўрсатганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А. “Микрокредитбанк” Сирдарё вилоят филиали амалиёт бўлими ижрочи муҳосиби лавозимида ишлаганлиги, 2009 йил ўрталарига қадар

“Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонаси раҳбари Х. банкда ҳисоб рақамини очиб, ўз фаолиятини корхона раҳбари М. бош ҳисобчиси сифатида фаолият юритганлиги, тўлов топшириқномаларини банкка корхона раҳбари Х., ҳар замонда бош ҳисобчи М. ҳам топширганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Ишдаги маълумотга кўра, “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий фирмаси раҳбари Х., бош ҳисобчи М.нинг имзолари билан тасдиқланган ишончнома асосида “Ўздунробита” Сирдарё вилояти филиалидан телефон сўзлашувлари учун экспресс тўлов карталари олинган.

Ишдаги маълумотларга кўра, “Сувмахсустаъмир” МЧЖ томонидан хусусий корхонадан 2009 йил 9 ойи давомида ҳисоб фактуралари асосида 58.197.000 сўмлик товарлар олинган бўлиб, ушбу ҳисоб фактуралар ҳам хусусий корхона раҳбари сифатида Х., бош ҳисобчи М. томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган.

Бироқ дастлабки тергов органи томонидан хусусий корхона бош ҳисобчиси М.нинг содир этилган жиноятларга алоқаси бор-йўқлиги атрофлича текширилмаган, бу ҳолат юзасидан унинг фирма ишларига аралашмаганлиги ҳамда имзо қўймаганлиги ҳақидаги важи билан чекланиб, унинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун ЖПК 83-моддаси 2-қисмига асосан ҳаракатдан тугатиб барвақт хулосага келинган.

Дастлабки тергов органи томонидан Х. жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида жами 51.460.000 сўм пул маблағларини бошқа корхоналарга молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб давлат ва жамият манфаатларига зарар етказганликда айбланган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Сирдарё вилоят, Оқолтин тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан “Исмоил-Ҳамид ҳамкор” хусусий корхонасининг 2007-2009 йиллардаги фаолияти текширилган бўлиб, корхона томонидан “Суғдиёна Мадина-М” хусусий корхонасига 1.300.000 сўм,

“Хумоюн лада сервис” хусусий корхонасига 40.000.000 сўм, “Саид Барака савдо файз” хусусий корхонасига 49.000.000 сўм, “Тулистон файз ҳамкор” хусусий корхонасига 110.000 сўм, “Фартуна мах сервис” хусусий корхонасига 12.200.000 сўм, “Дусанбой ота” фермер хўжалигига 750.000 сўм, номи кўрсатилмаган корхоналарга 4.170.000 сўм, жами 107.530.000 сўм молиявий ёрдам кўрсатилганлиги, шундан “Фартуна мах сервис” хусусий корхонаси томонидан 12.300.000 сўм молиявий ёрдам қайтарилганлиги, кўрсатилган молиявий ёрдамларнинг қайтарилмаган қисми 95.230.000 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Дастлабки тергов органи Х.нинг хусусий корхоналарга 95.230.000 сўм пул маблағларини молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб берганлигини аниқлаган бўлса-да, кейинчалик 51.460.000 сўм пул маблағларини легаллаштириб хусусий корхоналарга молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб берилганлиги ҳақида Х.га айб эълон қилинган.

Бироқ дастлабки тергов органи Х. томонидан қайд этилган хусусий корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсади, сабаблари аниқланмаган, ўтказилган пул маблағлари корхоналарга тушган-тушмаганлиги, тушган тақдирда улардан фойдаланиш мақсади ушбу корхоналар мансабдор шахсларини сўроқ қилиш ҳамда қарама-қарши текширув ўтказиш йўли билан бартараф этилмаган.

Иш материалларига кўра, хусусий корхона томонидан ғазна ҳужжатларининг юритилиши тартиби текширилиб, корхонанинг 2009 йил 9 оyi давомида ҳисоб рақамига яхна ичимликлар, пиво маҳсулотларини олиш учун буюртмачилардан улгуржи савдодан кирим бўлмаганлиги, корхона томонидан мол етказиб берувчиларга яхна ичимликлар ва пиво маҳсулотларини олиш учун 310.167.800 сўм маблағлар ўтказилганлиги аниқланган. Бироқ дастлабки тергов органи томонидан корхонанинг

бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги натижасида бу ҳолат текширилмасдан қолган.

Шунингдек, 2009 йил 9 ойи даврида корхонадан ҳар хил турдаги эҳтиёт қисмлар учун 700.000 сўм маблағ ўтказилиб, 522.644.600 сўм миқдордаги маҳсулот пул ўтказиш йўли билан харидор буюртмачилардан келиб тушганлиги аниқланган бир вазиятда 521.944.600 сўмлик товарнинг корхонага кириш қилинган-қилинмаганлиги дастлабки терговда ҳар томонлама текширилмаган.

Бундан ташқари хусусий корхонанинг давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилишини текшириш маълумотига кўра корхона томонидан 2008 йил учун Гулистон шаҳар ДСИга қурилиш-таъмирлаш ишлари фаолияти бўйича бажарган иши учун 233.900.600 сўм топширилганлиги кўрсатилган. Бироқ дастлабки тергов органи томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботлар тақдим қилинмаганлиги, қурилиш ва таъмирлаш ишлари фаолияти бўйича корхона томонидан тасдиқланган Ф-2, Ф-3 далолатномалари текширилмаганлиги боис ушбу ҳолатлар аниқлаштирилмаган.

Бундай ҳолатда суд қарорларини қонуний деб бўлмади.

Шу сабабли, Олий суд раҳбарияти томонидан Х.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2010 йил 18 июндаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 27 июлдаги ажримини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш ҳақида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди раёсатига назорат тартибида протест билдирилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди раёсатининг 2011 йил 18 январдаги қарори билан Х.га нисбатан чиқарилган барча суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Назорат иши ЖСХ 221-10